

Иброҳимнинг ҳузурига боринглар», дейди. (Иброҳим алайҳиссаломга боришади.) Иброҳим: «Мен буни қила олмайман. Мен билвосита халил бўлганман, холос.* Сизлар Аллоҳ ўзига хос гаплашган Мусо соллаллоҳу алайҳи васалламга ёлворинглар», дейди. Улар Мусо соллаллоҳу алайҳи васалламга келишса, у: «Мен бундай қила олмайман. Сизлар Аллоҳнинг калимаси ва руҳи бўлган Йисонинг олдига боринглар», дейди. Йисо соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам: «Мен бундай қила олмайман», дейди. Шунда улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга келишади. – У зот турадилар ва у зотга изн берилади. – Омонат ва силаи раҳм олиб борилади, улар сиротнинг икки ёнида – ўнг ва чап томонида туришади. Сизларнинг аввалгиларингиз чакмоқдек ўтиб кетишади». Мен: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, «чакмоқдек ўтиш» дегани нима?» дедим. У зот шундай дедилар: «Чакмоқнинг кўз очиб-юмгунча қандай ўтиб, қайтишини кўрмаганмисиз? Кейин шамолнинг ўтишидек, сўнгра қушнинг ўтишидек ва одамларнинг чопишидек (ўтишади). Барчалари амалларига кўра ўтадилар. Набийингиз эса сирот устида: «Роббим, саломат сақла, саломат сақла!» деб туради. Ниҳоят, бандаларнинг амаллари ожизлик қилиб қолади, ҳатто бир киши келиб, фақат судралибгина ўта олади. Сиротнинг икки четида осма илгаклар бўлиб, улар буюрилган кишини олишга маъмурдир. Тирналиб, нажот топганлар ҳам, дўзахга қулаганлар ҳам бўлади».

Абу Хурайранинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, жаҳаннамнинг қаъри етмиш йил(лик масофа)дир».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

